

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 192-ҳадис

192 - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَهُوَ يَخْطُبُ يَثْوُلُ: «السَّرَاوِيلُ لِمَنْ لَمْ يَجِدِ الْإِزَارَ، وَالْحُقَّانِ لِمَنْ لَمْ يَجِدِ النَّعْلَيْنِ - يَغْنِي الْمُحْرَمَ -».

[خ 1841، م 1178، ت 834، س 2671، د 1829، ج 2931].

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хутба қилаётиб, **«Шалвор - изор топа олмаганларга, махси эса шиппак топа олмаганларгадир - яъни эҳромдагиларгадир»**, деганларини эшитдим».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.

Изоҳ: Изор топа олмаган киши шалворни сўтиб, йиртиб, изор қила олса, шундай қилади. Аммо бунда аврати тўсилмаса, ўша ҳолича кийса ҳам жоиз.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI

